

**ҚОНУН ТИЛИНИНГ СОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

Наибахон Мамадалиева,  
филология фанлари доктори, профессор

**Аннотация:** Уишу мақолада мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаши масалалари келтирилган бўлиб, Бош қонунимизнинг қоида, ва тамойиллари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиши каби ислоҳотларни амалга ошириши масалалари келтирилган. Бундан ташқари уишу мақолада қонун ҳужжатларининг тили ва услубининг уларнинг сифати ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ҳуқуқий нормаларнинг шакл ва мазмун бирлигига эришишида қонун ҳужжатларининг тили ва услубининг роли билан боғлиқ масалалар баён қилинган.

**Ключевые слова:** Қонун, ислоҳот, стратегия, эркинлик, конституция, соҳа, қоида, тил, дин, миллат, тамойил, мустақиллик, раҳбар, ҳужжат, ҳуқуқ, норма, предмет.

**ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЧИСТОТЫ ЯЗЫКА ЗАКОНА**

Наибахон Мамадалиева  
доктор филологических наук, профессор

**Аннотация:** В данной статье представлены вопросы обеспечения законности в нашей стране, нормы и принципы нашего Общего закона, а также вопросы реализации таких реформ, как защита прав и свобод человека. Кроме того, в данной статье рассматриваются вопросы, связанные с качеством языка и стиля юридических документов и практикой правоприменения, ролью языка и стиля юридических документов в достижении единства формы и содержания правовых норм.

**Ключевые слова:** Закон, реформа, стратегия, свобода, конституция, сфера, правило, язык, религия, нация, принцип, независимость, руководитель, документ, право, норма, предмет.

**ISSUES OF ENSURING THE PURITY OF THE LANGUAGE OF THE LAW**

Naibakhan Mamadalieva  
doctor of philological sciences, professor

**Abstract:** This article presents the issues of ensuring the rule of law in our country, the norms and principles of our General Law, as well as the implementation of such reforms as the protection of human rights and freedoms. In addition, this article discusses issues related to the quality of the language and style of legal documents and the practice of law enforcement, the role of the language and style of legal documents in achieving unity of form and content of legal norms.

**Key words:** Law, reform, strategy, freedom, constitution, sphere, rule, language, religion, nation, principle, independence, head, document, lex, norm, subject.

Мустақиллигимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига 29 йил тўлади. Ўтган йиллар мобайнида Бош қонунимиз асосида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, барча соҳаларни ривожлантириш борасида туб ислоҳотлар амалга оширилди.

Конституциямиз кўп миллатли мамлакатимизда жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, фуқаролар тенглиги кафолати бўлмоқда. Айнан Конституциямиз шарофати билан ижтимоий ва



иктисодий ҳаётнинг деярли барча соҳаларида қонунчилик базаси яратилди, улар йилдан-йилга такомилига етказилмоқда. Бош қонунимизнинг қоида ва тамойиллари, айниқса, кейинги беш йилда мавжуд қонунчилик базасини такомилига етказишда жуда асқатмокда. Хусусан, Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимизда бошланган кенг кўламли ва шиддатли демократик ислоҳотларнинг қонуний асослари ҳам унда ифодаланган тамойиллардан олингани ва аниқ натижалар берганига гувоҳмиз. Президентимиз ташаббуси ва ғояси асосида ишлаб чиқилган ва изчиллик билан амалга оширилган Ҳаракатлар стратегияси Конституциямизда белгиланган инсон эрки ва хукуқларини муҳофаза қилиш, инсон салоҳиятини жамият ривожига йўналтиришдек муҳим тамойилларни тўла рўёбга чиқариш, халқимиз муносиб турмуш кечириши учун қулай шароитлар яратишида муҳим дастурламал хужжат бўлди. Ўтган даврда Ҳаракатлар стратегиясини рўёбга чиқариш учун 311 та қонун қабул қилинди, шундан 80 таси мутлақо янги қонундир.

Худди шундай ўзгаришлар охирги йилларда Ўзбекистонда барча соҳа ва тармоқлар каби она тилимиз қадри ва нуфузини янада ошириш борасида ҳам олиб борилиб, янги босқичга кўтарилиди. Бунинг тасдифини ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми ва обрў-эътиборини тубдан ошириш бўйича қабул қилинган тарихий фармон ва қарорлар мисолида яққол кўриш мумкин. Зеро, Конституциянинг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир” деб белгилаб қўйилган .

Дарҳакиқат, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Ваҳкамасининг Маънавият ва Давлат тилини ривожлантириш масалалари Департаментининг шу йил 21 октябрда берган маълумотига кўра, қонун хужжатларини такомиллаштириш йўналишида 1989 йилдан 2019 йилгача бор-йўғи битта қонун асосида фаолият юритиб келинган бўлса, ўтган икки йил мобайнида давлат тилини ривожлантиришга қаратилган жами 19 та меъёрий-хукуқий хужжат, жумладан, 1 та қонун, Ўзбекистон Президентининг 2 та фармони ва 3 та қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 13 та қарори қабул қилинди. Мазкур меъёрий хужжатлар асосида мамлакатда давлат тилида иш юритишни тартибга солиш имконияти пайдо бўлди, ҳар бир тизимда ўзбек тилининг нуфузини ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича раҳбар маслаҳатчиси, бир сўз билан айтганда, назоратчи, давлат тилида иш юритиш ишларига масъул белгиланди .

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида”ги қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси шу йилнинг 24 март куни қабул қилган, 26 июнь куни Сенатнинг 16-ялпи мажлисида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тил сиёсатини қўллаб-кувватлаш, истиқболдаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадида “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони, 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси, шунингдек, уни амалга ошириш дастурлари тасдиқланди ва босқичма-босқич амалиётга жорий этиб келинмоқда.

Жорий йилнинг 28 октябрида хукumat қарори билан Норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга кўра, норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳалари вазирлик, идоралар билан келишишдан олдин лингвистик экспертизадан ўтказиладиган бўлди . Ушбу низомда лингвистик экспертиза ўтказиш тартиби, унга қўйиладиган талаблар, баён этилган жумлаларнинг соддалиги, қисқалиги ва таърифларнинг аниқлиги бош мезон этиб белгиланган.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши юридик ва лингвистик соҳада қўплаб муаммоларнинг биринчи навбатда, хукуқ нормаларининг берилишида

аниқликка эришиш борасида ечимини кутаётган масалалар борлигини кўрсатиб берди. Чунки тил қонуннинг асосий тамойили, унинг организми, бир-бiri билан чамбарчас боғлиқ бўлган кўп нарсалардан лексик бирликлар – қонун ижодкорларининг ҳеч бир инкорсиз ва аниқ ифодалайдиган сўзлари ҳисобланади. Қонун чиқарувчиларнинг иродасини ифодалайди. Айнан қонунчилик технологиялари бутун мажмуасининг замонавий даражасини таъминлангандагина ҳукуқ шаклларини ифодалашда юқори аниқликка эришиш мумкин.

Маълумки, ҳозирги кунгача қабул қилинган ва қабул қилинаётган деярли барча норматив-хукукий хужжатларда мураккаб жумла ва бирикмалардан фойдаланилган бўлиб, уларни тушуниш қийин. Юқоридаги талаб эса хужжатларнинг фуқароларга тушунарли тилда, бошқача айтганда, халқчил бўлишини таъминлайди, уларнинг ижросида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тарихда баъзи мамлакатларда ҳукмдорлар ҳукуқшунослардан қонунларни ўта мавҳум ва мужмал тарзда ёзишни талаб қилган. Токи, ушбу қонунни халқнинг аксарият қисми тушунмасин, ўзининг қандай ҳукуқларга эга эканини англамасин. Биз XXI асрда яшайпмиз ва фуқаролар қонунчилик хужжатларини тушуниши, англаб этиши демократик ҳукукий давлатнинг бирламчи талабидир. Янги низомда имловий, услубий, грамматик ва орфографик қоидаларга қатъий риоя қилиш талаби белгиланган. Шу пайтгача қабул қилинган айрим норматив-хукукий хужжатларда ушбу қоидаларнинг кўпол тарзда бузилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин, айниқса, услубий хатолар кўплаб учрайди. Бундай хатолар матн мазмуни ўзгаришига, фуқаролар эса уни нотўғри тушунишига ва талқин қилишига олиб келади. Кўп ҳолларда хужжат лойиҳасини тайёрлаган ҳукуқшунослар ва мутахассислар юқорида айтилган қоидаларни етарли даражада билмаслиги шундай ҳолатларни келтириб чиқарувчи омил бўлган.

Яна бир масала - хужжатларда янги атамалар, шунингдек, соҳа ва тармоқларга хос терминларнинг тўғри қўлланишидир. Низомда норматив-хукукий хужжатлар лойиҳаларидағи юридик атамалар тўғри қўлланишини текшириш назарда тутилган. Асосийси, баённинг тизимлилиги ва ифода кетма-кетлиги. Баъзи норматив-хукукий хужжатларда мантиқий изчиллик бузилганига гувоҳ бўламиз. Бунинг сабаби эса бизда уларни ишлаб чиқишнинг аниқ тизими белгиланмаганидир. Агар норматив-хукукий хужжатлар аниқ тартибда тизимлаштирилса, унинг моҳиятини англаш ҳам осонлашади. Энг муҳими, қабул қилинадиган хужжатлар содда, ҳамма тушунадиган тилда тайёрланиб, аҳолининг ҳукукий саводхонлиги ошади.

Дарҳақиқат, қонунчилик тили соҳасидаги илмий тадқиқотларда асосан, тадқиқот обьекти ва предметининг мураккаб хусусиятини, яъни асосий манбаси фаннинг бир қанча соҳалари - ҳукуқ назарияси, услублар назарияси, тилшуносликка бориб тақалашига алоҳида эътиборга қаратиш талаб этилади. Чунки ҳукукий нормаларнинг шакл ва мазмун бирлигига эришишда қонун хужжатларининг тили ва услубининг роли билан боғлиқ масалалар муҳим ҳисобланади. Қайд этиш лозим, қонунчилик технологиясининг турли жиҳатларини ўрганишга бағищланган жуда кўп тадқиқотлар яратилганлигига қарамай, қонун хужжатларининг тили ва услуби, тил қоидаларининг қонунчилик технологиясининг умумий қоидалари орасидаги ўрни ва уларни оптималлаштириш имкониятлари етарлича ўрганилмаган. Шу нуқтаи назардан, қонун хужжатлари тили ва услубига нисбатан илмий асосланган талабларни яратиш учун қонун хужжатлари тили ва услубини ҳар томонлама ўрганиш зарурати долзарбdir. Ва мазкур қарор эса ўзининг долзарблиги ва муҳимлиги билан бир қаторда, қонун ижодкорлиги техникасининг лингвистик жиҳатларини таҳлил қилиш, ўрганилаётган обьектларни ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида қонун хужжатлари тили ва услубини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб

бермоқда.

Бу борада, энг аввало, қонун хужжатларининг тили ва услубининг уларнинг сифати ва хуқуқни қўллаш амалиётига таъсирини аниқлаш, хуқуқий нормалар ифодасининг тўғрилигини сўзнинг лексик-грамматик маъноси даражасида таъминлаш муаммосини кўриб чиқиши, қонун хужжатлари матнларида хуқуқий ва бошқа атамалардан фойдаланишни таҳлил қилиш, жумланинг тузилиши ва унинг қўлланиши, бўлиниши даражасида хуқук нормаларини ифодалаш тўғрилигига эришишда сўз тартиби ва мураккаб синтактик тузилмаларнинг қисмлари нисбатининг таъсирини аниқлаш мухим ҳисобланади. Шунингдек, қонун хужжатлари матнларида қонун ижодкорлигидаги мавжуд хатоларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш, қонун хужжатларининг тили ва услубининг қонунчилик технологияси элементлари орасидаги ўрнини белгилаш зарурдир. Бу билан қонун хужжатларининг тили ва услуби хуқук назарияси, услубиёт ва тилшунослик назариялари категорияларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиб чиқишига имкон яратилади ва уларни ўрганишга янада тизимли ёндашиш, хуқуқий нормаларни тақдим этишининг тўғрилигини таъминлаш бўйича янги методологияни яратиш ва янада асосли амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Илмий тадқиқотлар олиб бориш жараёнида Ўзбекистон Республикаси давлат тилини Узбекистон Республикаси қонун хужжатлари тили сифатида қонунчиликда мустаҳкамлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг факат давлат тилидаги матнidan фойдаланиш (хозир асосан аввал рус тилида ёзилиб, кейин давлат тилига таржима қилинади, матн мазмуни бузилади) ва ушбу хужжатни бошқа чет тилларига таржима қилинишида айнан ушбу матндан фойдаланиш мажбуриятини юклаш масалаласини ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Афсуски, кўпгина хукуқшунос ва тилшунослар ўртасида қонун хужжатларининг тили ва услуби расмий иш тили ва услубининг турлари ҳисобланади деган фикр кенг тарқалган. Лекин қонун хужжатлари тили ва услубининг мустақиллиги, улардаги аниқ лингвистик воситалар ва лугатнинг расмий иш мақсадига айлантириб бўлмайдиган даражада қўлланилиши алоҳида алоҳида масала сифатида қаралиши лозим.

Қонун хужжатлари тилининг амал қилиш тамойиллари, жумладан, қонунчилик тилини эркин шакллантириш ва ривожлантириш, хуқук нормалари шакли ва мазмунининг мувофиқлиги, тил бирликлари (лексик, стилистик, грамматик ва синтактика) қўлланилишини қатъий стандартлаштириш асосида атамаларни тўғри танлаш, қонун хужжатлари тилида тил луғат таркибидаги ўзгаришларнинг ижтимоий шартли тенденцияларининг тўпланиши, қонун хужжатларининг тили ва услубини ўрганиш ва қонун ижодкорлиги жараёнининг барча босқичларида уларга қўйиладиган талабларнинг илмий тадқиқ этиш асносида қонун хужжатларининг лингвистик экспертизаси технологиясини яратиш мумкин.

Лингвистик экспертиза жараёнида атамаларни танлашга чекловлар (полисемия, омонимия, синонимия ва антонимия, бир хил синонимлар, юқори ихтисослашган атамалар, неологизмлар хусусиятларидан фойдаланишга чекловлар) қўядиган қонун хужжатлар талабларини аниқлаштириш зарурдир. Шунингдек, қонун хужжатларининг изчиллиги, қонунчилик услубининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ атамаларни мажбурий унификация қилиш (шу жумладан, қонунчилик техникасининг универсал усули сифатида қавслардан фойдаланиш бўйича чекловлар, тахминий рўйхатлар ва ш.к.) ва қонунчилик матнларини тайёрлашда мантиқ қонуларига риоя қилиш зарур ҳисобланади.

Хуқук назарияси, услублар ва тилшунослик назарияси соҳасидаги тадқиқотларга хос бўлган омилларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг матнларини ҳар томонлама баҳолашга асосланган хуқук нормаларини

аниқ баён этишни таъминлаш усули ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Бу қонун лойиҳаларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилганидан кейин уларни тасдиқлашга оқилона, илмий асосланган ёндашув асосида уларнинг тили ва услубини таҳлил қилиш имкониятини беради.

Хукуқий тартибга солишнинг моҳияти муқаррар равишда мантиқ ва тилни билишни талаб қиласди. Кўпгина талқин қилиш қоидалари ва юридик техника қоидалари тилни билишга асосланади. Тилсиз хукуқий тартибга солиш мавжуд эмас ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Қонун ҳужжатларининг тил сифати ва услуби муаммоси доимо хукуқшунос олимларнинг дикқат-эътиборида бўлиши керак. Охирги йилларда Ўзбекистонда қонунчилик амалиётида катта ўзгаришлар рўй берди, кўплаб қонунлар, хукуқий-меърий ҳужжатлар қабул қилина бошлади. Лекин агар қонунчилик ҳужжатлари тил нуқтаи назаридан пухта бўлмаса уларнинг сонини кўпайиши, афсуски, на қонунчилик самарадорлигини оширишга, на қонуннинг аҳоли ўртасида нуфузини оширишга ёрдам берди. Шу ўринда сўнгги йилларда қабул қилинган норматив-хукуқий ҳужжатларнинг миқдорий кўрсаткичларини ижобий баҳолаган ҳолда, ўз-ўзидан уларнинг тилинининг сифати талаб жавоб берармикин деган ҳақли савол туғилади. Афсуски, таҳлили натижалари бу масала илмий тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаганлигини кўрсатди.

Бу масаланинг айрим жиҳатлари Россия олимлари тарафидан ўрганилган экан. Россиялик олим А.С.Пиголкиннинг асарлари қонун ҳужжатларининг тили ва услуби билан шуғулланадиган ҳар бир киши учун фундаментал аҳамиятга эга. Қонунчилик тилининг ўзига хос хусусиятлари, унинг фикрича, “норматив акт индивидуал ироди ва субъектив ғояларни эмас, балки жамоанинг, бутун жамиятнинг иродасини ифода этувчи, жамият тараққиётининг долзарб эҳтиёжларини акс эттириши билан боғлиқ. Бу ҳолатларнинг барчаси хукуқий тилнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Бундай хусусиятлардан бири аниқлик, равшанлик, тўлиқлик ва максимал равшанликка эътиборнинг кучайишидир.

Деярли ярим аср олдин А.С.Пиголкин “юридик тилнинг ўзига хос хусусиятлари”ни умумлаштириш ва чет эл назариётчиларининг хукуқ назарияси соҳасидаги хulosаларига асосланиб, “хукуқий тил деб аталағидан маҳсус тилнинг мавжудлиги тўғрисида” фараз қилди. Бу А.С.Пиголкиннинг таъкидлашича, фақат хукуқшунос олимлар ва тилшуносларнинг яқин ҳамкорлиги “хукуқ тили ва хукуқий терминология муаммоларини ўрганишда муваффақиятни таъминлашга кодир”. Олим томонидан қилинган мулоҳазалар, умумлашмалар, хulosалар мактаб вазифасини ўтаб, азалдан қонун ҳужжатлари тили ва услубига қўйиладиган талаблар тизими бўлиб келган.

Сўнгти пайтларда турли фанлар чорраҳасида янги илмий йўналишларнинг пайдо бўлиши содир бўляпти. Ва, агар табиатшунослик, аниқ фанлар учун бундай ёндашув анча анъанавий бўлса (масалан, биокимё, биофизика илмий соҳада ўз ўрнини мустаҳкамлаган бўлса), гуманитар фанлар соҳасида чегара йўналишларини ишлаб чиқиш ўта муҳим ҳисобланади. Лингвистик экспертизанинг асоси ҳисобланган юридик тилшунослик шундай йўналиш ҳисобланади. Табиий тил ижтимоий муносабатларни ўрганиш билан шуғулланувчи ҳар қандай фаннинг тадқиқот соҳасига киритилганлиги сабабли, табиий тиллар чорраҳасида юридик тилшунослик каби янги илмий йўналиш пайдо бўлиши табиий. Аммо ҳар қандай фанни расмийлаштириш жараёнида, биринчи навбатда, унинг қамрови, обьекти, предмети, вазифалари, услубий базаси, ҳақиқий терминологик қатори ва бошқаларни белгилаш билан боғлиқ бўлган умумий назарий характерга эга бўлган бир қатор қийинчиликлар пайдо бўлади. Шунингдек, юридик тилшунослик соҳасини ўрганар эканмиз, биз дарҳол ушбу масалани ҳал қилишда ёндашувларнинг кўплиги ва ноаниклигига



дуч келамиз, бу бизнинг фикримизча, ягона терминологиянинг йўқлиги билан боғлиқдир.

Бугунги кунда юридик тилшунослик соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар бармоқ билан санарли бўлиши мумкин, лекин уларнинг кўпчилиги «соф» тилшунослар бўлиб, бу, бир томондан, юқори даражадаги лингвистик билимларни таъминласа, иккинчи томондан, хукуқшунослик билими камлигини яққол кўрсатиб турибди. Бу асосий сабаблардан бири филология йўналиши йўналишлари ўкув режасида “Юридик тилшунослик”, “Лингвистик экспертиза” фанларининг мавжуд эмаслигидир. Албатта, кадрлар тайёрлашда юридик тилшуносликнинг маълум кичик йўналишлари (суд риторикаси, нутқ маданияти) ўкув жараёнида ва хукуқшунос кўлланилади, лекин тизимли эмас.

Афсуски, замонавий қонун чиқарувчиларнинг юридик тилни билиш даражасининг етарли эмаслиги ҳам сир эмас. Шу нуқтаи назардан юридик атамаларни ўзлаштириши бўйича маҳсус семинарларни мунтазам равишда ўтказиб туриш ҳам мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, нафақат юристларга, балки умуман давлат хизматчиси сифатида тайёрланадиган йўналишларнинг барчасига “Юридик тилшунослик” фанини шунга алоқадор бирор маҳсус курснинг бир қисми сифатида ёки малака ошириш, қайта тайёрлаш курсларига киритиш соҳанинг ривожланишига қўшилган ҳисса бўлиб хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://constitution.uz/uz/clause/index#section2>

2017-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йуналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси <https://www.lex.uz/acts/3107036>

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://constitution.uz/uz/clause/index#section2>

Давлат тили устуворлигини таъминлашнинг мустаҳкам қонуний асослари яратилди // ”Янги Ўзбекистон” газетаси, 2021 йил 21 октябрь, 209-сон.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ти 2021 йил 28 октябрдаги қарори // <http://old.lex.uz/docs/-5701504>

Пиголкин А.С. Подготовка проектов нормативных актов. - М.: Юридическая литература. -1968. - С. 149.

См.: Пиголкин А.С. Подготовка проектов нормативных актов. - М.: Юридическая литература. - 1968. - 147 с; Язык закона/Под ред. А.С.Пиголкина. - М.: Юридическая литература. - 1990. - 187 с.